ИННОВАЦИЯ – ИНСОН АМАЛИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШИ

А.Эгамбердиев

Мақолада инновация тушунчаси, унинг фалсафий жиҳатлари, Ўзбекистондаги инновацион технологияларнинг ривожланиши ҳақида фикр юритилган. Инновация инсон амалий фаолиятининг янги йўналиши сифатида муаммолар ечимига янгича муносабатнинг кўриниши эканлиги ёритилган.

Калит сўзлар: *инновация, инновацион онг, инновацион маданият, фалсафа, инновацион технологиялар, инновацион технологияларнинг йўналишлари, педагогик технологиялар.*

В статье освещается понятие "инновация" и его философские аспекты, развитие инновационных технологий в Узбекистане. Данное явление расматривается автором как новое направление решения проблем во взаимоотношениях в практической дятельности человека.

Ключевые слово: *инновация, инновационное сознание, философия, инновационные технологии, направление инновационных технологий, педагогические технологии.*

This article discusses the ideas about the notion of innovation, its essence, its philosophical characteristics, as well as development of innovation technologies in Uzbekistan.. Innovation is characterized as a new approach to the settlement of problems facing the new interrelations.

Key words: *innovation, innovational consciousness, innovational culture, philosophy, innovational technology, the directions of the innovational technologies, pedagogical technologies.*

Инновация тушунчаси доирасига тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, бошқарув ва жамиятнинг бошқа соҳаларида илм-фан ютуқларидан фойдаланиб киритилган янгилик ва ўзгартиришлар киради. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида "инновация" атамасига сўзма-сўз киритилган янгилик, ихтиро, кенг маънода эса техника ва технологияларнинг янги турлари (авлодлари) ни жорий этиш мақсадида иқтисодиётга сарфланган маблағлар, (2) илғор техника ва технологиялар, бошқариш ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланиши, (3) муайян тилда, асосан, унинг морфология соҳасида энг сўнгги даврларда пайдо бўлган янги ҳодисалар (тил бирликлари) дея таъриф берилади [1.212].

Ҳар қандай инновацион фаолият соҳаларининг чегараси нисбий бўлиб, уларнинг ҳар бири бошқалари билан узвий боғлангандир. Фалсафий нуқтаи назардан эса уларнинг барчаси инсон амалий фаолияти натижаси ва ижтимоий онгга таъсир ўтказади. Бу эса ўз навбатида жамиятда инновацион онгнинг шаклланиши ва ривожланишига шароит яратиб беради. Юқори даражада шаклланган инновацион онг ҳамда инновацион маданият жамият тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Иқтисодий нуқтаи назардан инновацион жараён "инвестиция – ишланма – амалиётга татбиқ этиш – натижани қўлга киритиш" босқичларидан иборат бўлади. Ҳозирда дунё миқёсида инновацион жараёнларга киритилаётган инвестициялар йилдан йилга ортиб бормоқда. Инқирозга қадар, 2007 йилда Япония 3,5 %, АҚШ 2,8 %, Германия 2,7 % ялпи ички маҳсулотини инновацион технологияларни жорий этишга сарфлади [2]. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи бизнес мактабилардан бири – "INSEAD" томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратилган маблағлар бўйича эса дунёда 5-ўринни эгаллагани мамлакатимизнинг бу борадаги салоҳияти ва интилишларини акс эттириб турибди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда халқ хўжалигининг турли соҳаларига, ижтимоий ҳаёт, шу жумладан, бошқарув, таълим тизимига инновацион технологияларни жорий этиш жадаллик билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида "Маълумки, биз мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш, корхоналарни модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган ва юксак самарали технологияларни жорий этиш бўйича ўз олдимизга катта мақсадларни қўйганмиз", [3] дея мамлакатимиздаги

инновацион жараёнларнинг стратегик аҳамиятига эътибор қаратиб ўтди.

Ҳаётимизга инновацион технологияларнинг кириб келиши қуйидаги йўналишларда юз бермоқда:

1) технологик – ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасига киритилган янгилик натижасида самарадорликнинг ошиб бориши;

2) ижтимоий ҳаётдаги ўзгариш ва янгиланишлар (педагогика, бошқарув тизими, хизмат кўрсатиш соҳаларида);

3) фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида (фуқаролик жамияти институтларининг вужудга келиши ва ривожланиши, фуқаролар фаоллигининг янги шаклларининг пайдо бўлиши);

4) янги фойдали хусусиятга эга маҳсулотларнинг яратилиши;

5) ташкилий ва маркетинг соҳасида (бошқарув жараёнининг такомиллашуви, маҳсулот ва хизматлар кўрсатишнинг янги-янги усуллари ва шаклларининг пайдо бўлиши).

Инновацион онгни шакллантириш зарурати бутун дунё миқёсида рўй бераётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жараёнларга мутаносиб равишда тараққий этиш учун инсонларда янгиликларни қабул қилиш, уларга қизиқиш ва уни такомиллаштиришга интилиш кўникмаларини ривожлантириш билан изоҳланади.

Шу нуқтаи назардан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ва “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этади. Совет даври мафкурасига мослаштирилган, ўша давр тараққиёти ютуқларининг мевaси ўлароқ вужудга келган тизим фан ва техниканинг жадал ривожланиши, шунинг натижаси бўлган инсоннинг борлиққа муносабатининг ўзгаришига мос келмай қолган эди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қайд этилганидек, “Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир” [4]. Эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атвор андозаларини ўзгартириш нафақат институционал тарзда, балки таълим беришнинг шакли ва сифатига инновацион ёндашувни ҳам талаб қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида машғулотларни кейс-стади ва бошқа инновацион таълим технологиялари асосида ташкил этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилгани ҳам мамлакатимизда инновацион технологияларни ривожлантиришга берилаётган эътиборнинг юксак намунасидир.

Инновацион фаолият жараёнида объектнинг ўзгариши таъсири остида субъект ҳам ўзгаради, унинг амалий қобилияти ва малакаси чуқурлашади, фикрлаш доираси кенгаяди, онги ва хотираси бойийди, дунёқараши ўзгаради. Инновацион амалий фаолият нафақат объектни билиш ва ўзгартириш, балки унга янгича маъно киритиш, муаммолар ечимининг янги йўналишларини вужудга келтиришга имкон беради. Шу нуқтаи назардан инновацион онг натижасида пайдо бўлган “қувмасдан ўзиб кетиш” каби мутлақо янги тушунчалар инновацион онгга нисбатан янгича қарашларнинг шаклланишига ва соҳага қизиқишнинг кучайишига хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энцклопедияси нашриёти, 2006.

2. http://www.pedz.uni-mannheim.de/daten/edz-h/gdb/07/eis_2007_Innovation_efficiency.pdf

3. http://prezident.uz/uz/news/4875/ - O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning mamlakatimizni 2013-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2014-yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma’ruzasi.

4. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

Андижон давлат университети
2014 йил 30 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.н. Ф.Юлдашева)